



Энасой киргизлари хоконлиги IX ва X асрларда юз йилча хукм сурган туркийлар империясидир. Хоконлик худуди у тараккиёт чўккисига чиккан пайт киска вақт хозирги Киргизистон, Козогистон, Россия, Хитой ва Мўғулистон худудлари бўлакларини камраб олган. X асрдан сўнг то уни Мўғуллар империяси XIII асрда босиб олгунга қадар Энасой киргизлари хақида маълумотлар жуда кам бўлган. Лекин улар узун тарихий мерос қолдирди. Бугунги киргизлар, хакаслар, Фуюй киргизлари ва олтойликлар Энасой киргизларининг авлодлари ҳисобланади.

Киргиз хоконлиги тарихи хақида бизга тарих фанлари доктори, Манас номидаги Киргиз-Турк университети профессори [Анварбек Моқеев сўзлаб беради](#).

Илк марта “Киргиз хоконлиги” атамасини Россия ва совет шарқшуноси – турколог В. В. Бартолд таклиф этган у зикр этилган даврни Буюк даштдаги “киргиз буюк давлатчилиги” деб атаган эди. Аммо бевосита хоконлик тарихига ўтишдан аввал Энасой киргизлари хақида сўзлаб берсангиз.

Синологлар – хитойшунослар илк марта аниқлашича, киргизлар биринчи марта Хитой манбаларида милоддан олдинги III аср охиридаги воқеаларни, аниқроғи, 203 ёки 201 йилда хунлар императори Модэ Шанюй шимолга ҳарбий юриш қилиб, бир қанча ерларни, жумладан, ғянгун ерларини ҳам хунларга бўйсундириб берганини ёритишда тилга олиб ўтилган экан. Мана шу “ғянгун” атамасини хитойшунослар Юлиус Клапрат, Пол Пеллио, Эдвард Шаван, россиялик хитойшунослар Н. Я. Бичурин ва бошқалар қадимий “киргиз” атамасининг хитойча транслитерацияси деб атайди. Кейинчалик бу қарашни совет

даврида машхур хитойшунос Сергей Евгеньевич Яхонтов кенгрок ва теранрок ишлаб чиккан. Сўнгра бошка таджикотчилар ҳам бу муаммони ўрганган ва натижада куйидаги ҳолат аниқланган: “гянгун” биринчи марта “Ши цзи” манбасида тилга олинган. У Хитой тарихи отаси деб тан олинган Сим Цяннинг “Ши Цзи” асарида милoddан олдинги 201 – 203 йилларда Модэ Шаньюнинг шимолга харбий юриши тавсифида келтирилади. Кейинги даврлар: Ханлар даври, Танлар даври ва ундан сўнгги даврларда “киргиз” атамаси – этноними кигу, цигу, сяцзяси, хягаси сингари турли шаклларда учрайди. Мўгуллар даврига келиб, киргиз этнонимининг замонавий номига якинрок цзилицзиси ва хк. номлар пайдо бўлади. “Киргиз” атамаси хитой тилига транслитерациясининг барча кўринишларига эътибор килинг: гуянгун, кигу, цигу, сяцзяси, хягаси, цзилицзиси. Адашмасам, 1990 йилда америкалик хитойшунос Эдвин Пулибленк (Edwin G. Pulleyblank) “киргиз” этноними хакида яна бир макола ёзган эди. Гарчи у ўтмишдошларининг кўхна атамаларни аниқлаштиришга оид фикрига кўшилса-да, эрта Танлар сулоласи даври лексикасининг ўзига хосликларини муфассал ўрганиб, бир хулосага келади. У Сим Цяннинг “Ши Цзи” асарида кайд этилган “гянгун” ёки “хягаси” атамаларини, айниқса, “гянгун” атамасини “киргиз” деб эмас, “киркир” деб ўқиш керак, деган хулосага келади. “Кир” кадимги даврдаги кўплик шаклидир, “из” эса – унинг кўшимчаси. “Из” суффикси факат Турк хоконлиги давридаги “ир” “из”га айланган ротация назарияси контекстида лексик жихатдан ўзгариши муносабати билан пайдо бўлади. Шу тарика “киргиз” этноними хакида турли карашлар, турли фикрлар мавжуд, аммо умуман “киргиз” билан “киркир” зикр этилган грамматик ўзгаришларни истисно қилганда, бир нарсадир.

Кадимги киргизлар ким бўлган ва нима иш қилган? Бир-биридан мустақил Хитой, эрта араб ва Тибет манбаларидаги маълумотларга караганда, кадимги Энасой киргизлари сарик сочли, яшил кўзли ёки кўк кўзли, антропология нуктаи назаридан октанли бўлган ва ўша пайтда Жанубий Сибирда яшаган кўшниларида кескин ажралиб турган. Булар барчаси Энасой дарёсининг ўрта окимидаги Минусинск хавзасида яшаган Энасой киргизлари кўпроқ монголоид бўлган кўшниларида бутунлай фарқ қилган. Энасой киргизлари эса европеоидлар иркига мансуб бўлиб, Афанасйев маданияти даврида Жанубий Сибирда таркалиб яшаган кадимги хинд-европа кабилалари колдиклари бўлган. Хитой манбаларида Энасой киргизлари ташки кўриниши тавсифланаётганда “от юзли” деган ибора ишлатилади, яъни уларнинг антропологик тури кескин ажралиб турган, юзи монголоидларникидан фарқли ўларок, чўзинчок бўлган. Шунинг учун биз Энасой киргизлари кадимги хинд-европа кабилалари колдиклари бўлганини ёдда тутишимиз зарур. Кадимги Энасой киргизлари тили хусусида ҳам турли фикрлар мавжуд. Академик Бартолд тахмин қилишича, уларнинг туркийларгача бўлган тили туркий бўлмаган. Ушбу нактаи назарни кейинчалик таникли немис турколог Мёнгелс ҳам қўллаб-қувватлади. Унинг ҳам фикрича, Энасой киргизлари тили дастлаб туркий бўлмаган, факат кадимги туркий даврда улар тили туркийлашган. Албатта, биз бугун бунинг тафсилотларини билмаймиз, чунки асосланиб фикр юритиш мумкин бўлган манбалар йўқ. Ўрхун-Энасой рун битикларининг бир қисми бўлмиш Энасой рун битикларида кайд этилган Энасой киргизлари тили туркий бўлган. Энасой киргизлари тилига оид “Тан шу” манбасида кайд этилган илк маълумотларда у туркий тил деб тавсифланади. Шунга карамай, таджикотчилар таъкидлашича, Энасой киргизлари тилида келиб чиқиши туркий бўлмаган сўзлар бор экан. Албатта, булар – тафсилотлар. Бу алоҳида таҳлилни, алоҳида муҳокамани талаб этади. Умуман, кадимги туркий даврда,

хар холда кадимги туркий даврнинг бошлангич боскичида, тўғри таъкидлаб ўтганингиздек, Энасой киргизлари кадимги туркий давлатнинг бир бўлаги бўлган.

Маълумки, Туркий хоконлик, бутун куч-кудратига карамасдан, ўзаро урушлар ва Хитойнинг Тан империясига карши урушлардан сўнг 603 йили инкирозга юз тутди. Бунда Энасой киргизлари кандай рол ўйнаган? Туркий хоконликнинг заифлашуви Киргиз хоконлиги яратилишига сабаб бўлган эдими?

Туркий хоконлик VII аср бошида таназзулга учради. Ўйлашимча, киргизлар бу жараёнда айтарлик рол ўйнамаган. Улар ўша пайтда кадимги Туркий хоконликнинг бир бўлаги хисобланган. Аммо кадимги Туркий хоконлик таназзулидан сўнг Тёлёс хоконлиги деб аталувчи хоконлик пайдо бўлган. 640-йилларга келиб, Тёлёс хоконлигини Хитойнинг Тан империяси ер билан яксон қилади. Шундан сўнг Енисей киргизлари, афтидан, ўша даврда мустакилликка эришган ва Тан империясига биринчи элчихонасини жўнатади. Академик Бартолд кайд этишича, у вақтларда туркийлар 2 та тоифага бўлинган. Биринчи тоифа – бу халк туркий тилда “будун” – “каганлик будун”, яъни хоконлиги, мустакил давлат бўлган халк деб аталган. Иккинчи тоифа – “элтабарлик будун”, яъни элтабар бошқарган халк деб аталган. Элтабарларни хон тайинлаган. Яъниким, Энасой киргизлари бўйсундирилган халк ёки кадимги туркий юрт макомида, сўнгра Тёлёс хоконлиги таркибида бўлган. Шунинг учун Энасой киргизларининг Тан сулоласи саройига 647 йилда юборилган биринчи элчихонасига элтабар Шибуки Ажан бошчилик қилган. У пайтда Энасой киргизларининг ўз хоконлиги бўлмаган.

Хон бошчилигидаги ўз хоконлигига эга бўлиш учун ушбу юртни мустакил давлат сифатида, бир тарафдан, Марказий Осиё ва Ўзок Шаркнинг кадимги Туркий Хоконлик сингари етакчи ўйинчилари, бошка тарафдан эса, Тан империяси тан олиши зарур бўлган. Манбалар шаходат беришича, бунинг натижасида Хитой тарафи Энасой киргизларининг дипломатик миссиясини илик қабул қилган. Шу тарика Энасой киргизлари юрти билан Тан империяси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Албатта, Тан империяси Энасой киргизларини Жанубий Сибир сиёсий сахнасидаги янги ўйинчи ўларок қабул қилар экан, улардан жугрофий-сиёсий муаммоларини хал этишда фойдаланмокчи бўлган. Шундан сўнг Энасой киргизлари аста-секин кучайиб боради ва VIII аср бошига келиб, улар етакчиси Барсбек Иккинчи Шаркий Туркий Хоконлик асосчиларидан бири Элтеришхоннинг кизига уйланади. Шу тарика Иккинчи Шаркий Туркий Хоконлик билан никоҳ оркали қариндошлик муносабатларини ўрнатиб, Энасой киргизлари ҳукмдори ўзини хон деб эълон қилади ва бу мақомни Иккинчи Шаркий Туркий Хоконлик ҳукмдорлари тасдиқлайди. Иккинчи Шаркий Туркий Хоконлик ҳам Энасой киргизларидан Саян тоғлари шимолидаги жугрофий-сиёсий муаммоларини хал этишда фойдаланмокчи бўлади. Аммо Энасой киргизлари ҳукмдори Барсбек хокон Иккинчи Шаркий Туркий Хоконликка карши курашиш учун иттифок тузишга қарор қилади. Бу иттифокка Хитойнинг Тан империяси, Туркаш хоконлиги ва Энасой киргизлари қирган. Ўзок Тибетга у ердагиларни туркийларга карши иттифокка жалб этиш мақсадида Энасой киргизлари элчиси жўнатилган. Энасой киргизлари туркийларга карши коалиция тузишдан нега манфаатдор бўлган? Чунки улар Хитойнинг Тан империяси билан дипломатик муносабатлар ўрнатиб, Буюк Ипак Йўли кенгликларига чиққан эди ўша пайтда, яъни савдо-сотик ва иқтисодий алоқаларга Энасой киргизлари

устувор ахамият берган, Иккинчи Шаркий Туркий Хоконлик эса Тан сулоласи билан тўғридан-тўғри савдо ва иктисодий муносабатлар ўрнатишга тўсқинлик қилаётган ва мушкулотлар тугдираётган эди. Шунинг учун Барсбек Шаркий Туркий Хоконликни енгил ва Буюк Ипак Йўли, яъни Хитой бозорларига бевосита кириб боришдан манфаатдор бўлган

Иккинчи Шаркий Туркий Хоконликнинг донишманд маслахатчиси Билга Тўнюк Хитойда, Хитой шимолида таълим олган жуда билимдон киши бўлиб, кўп меҳнат қилган ҳамда Хитой ички ва ташқи сиёсатининг барча тарафларини пухта ўрганган мохир стратег бўлган. У бир ўзи Иккинчи Шаркий Туркий Хоконлик душманларини хали улар Шаркий Туркий Хоконликка ўзаро қелишиб олган ҳолда бир марта ҳужум қилмай туриб, тор-мор этишга ҳаракат қилади. Шу тариқа 701 йил кишида хали Саян тоғларидаги қор эрима туриб, Тўнюк шарафига битилган битикларнинг Шаркий Туркий Хоконлик йилномаларида акс этган тавсифига кўра, Тўнюк бошчилигидаги ўрду (армия) гўё найза бўйи қор билан қопланган Саян тоғлари орқали Минусинск хавзасига дадил пиёда ва отликлар юриши қилади. Кийин пайт, тоғни ошиб ўтиш ниҳоятда кийин бўлган қаҳратон кишда қирғизлар бундай ҳужумни қутмаган. Тўнюк бошчилигидаги Шаркий Туркий Хоконлик ўрдуси ҳозирги Хакас Атоном Республикасининг Аскирз туманида жойлашган Барсбек хокон жамлоғига (лагер) ҳужум уюштиради. Айни тўқнашув чоғида Барсбек хокон ўлдирилади, лекин унинг жасади топилмайди. Тарафдорлари жасадни шошилиш тайгага олиб кетган ва туркий кўшинлар у ёққа ўта олмаган бўлиши мумкин. Ушбу мағлубиятдан сўнг битилган қадимги туркий битиклар гувоҳлик беришича, қирғизлар эли йўқ қилиниб, давлати тўлиқ тор-мор этилади, гўё улар Ер юзидан бутунлай суриб ташлангандай эди. Аслида бундай бўлмаган, бунда маҳобат, бўрттириш кўпроқ, бу бир марталик ҳарбий юриш эди. Умуман, давлат ҳам, Энасой қирғизлари халқи ҳам сақланиб қолади. Давлатни Барсбек хоконнинг авлодлари бошқарган, улар “тегин” ёки “инал” деган рутбага эга бўлган, яъни бу рутбалар хокон рутбасидан биров паст бўлгани маълум. Шундан сўнг улар узок вақт Жанубий Сибир ва Марказий Осиё сиёсати ҳаётида эса қоларли рол ўйнамаган. Аммо VIII асрнинг ўртаси – биринчи ярми охирига қелиб, Билга хокон ўлиmidан сўнг Иккинчи Шаркий Туркий Хоконлик инқирозга юз тутгач, хоконлик туркийларнинг 3 та йирик қабиласи: қарлуклар, басмиллар ва уйғурлар хоконликка барҳам беради ва ҳокимият бир йилга басмил қабиласи етакчиси қўлига ўтади. Орадан бир йил ўтиб, уйғурлар қарлукларни ҳам, басмилларни ҳам Мўғулистондан ҳайдаб юбориб, Ўрхун дарёси бўйидаги ҳокимиятни яққа ўзи қўлга олади. Шундай қилиб, Уйғур хоконлиги ташқил топади ва қайд этиб ўтганимиздек, 758 йили Уйғур хоконлиги яна Энасой қирғизларини ҳокимиятига бўйсундиради ва Энасой қирғизлари узок вақт – 90 йил хокон бошчилигидаги мустанкил давлатидан айрилади. Аммо қирғизлар давлатини, ўрдусини мустанкамлайди ва уни Саян-Олтой тоғлиги – ясси тоғлар ва водийлардан иборат қирғиз шимолида яшаган қўшни қабилалар ҳисобига қўпайтиради. Улар металл рудасини ишлаб чиқариш ва унга ишлов беришнинг ва металлдан қурол ясашнинг ҳадисини олгани учун ўз ўрдусини ҳам мустанкамлай бошлайди. Тан сулоласи давридаги манбаларда ёзиб қолдирилиганига кўра, Энасой қирғизлари Жанубий Сибирга тушган қомета рудаларидан қилич ва қанжар ясаш олган. Таъқидланишича, осмон рудасидан тайёрланган қанжар қарқидон терисини ҳам қесган, бошқа қесувчи, санчилувчи қуроллар бунинг иложини қила олмаган. Бинобарин, Энасой қирғизлари чиндан ҳам юқори сифатли пўлатни, Жанубий Сибирга осмондан қелиб

тушган кометалар рудасидан олинган мана шу пўлат куролларни тайёрлаш сирини билган

Энасой киргизларининг ўзини турклар деб таниган ва эл деб аталган жамияти – харбий-сиёсий тузилмаси бўлган. Бошка тарафдан, Энасой киргизлари хоконлигининг киргиз хонлари келиб чиқишини хунну тарафига ўтган Хитой генерали Лу Лин билан боғлаган, у таникли “учувчи генерал” Ли Гуаннинг невараси бўлган. Император Тан Чжунцзун уларга, “сиз билан бизнинг халкимиз битта урукка тегишли. Сизлар бошка мухожирларга ўхшамайсизлар”, деб ёзган. Кайд этиш жоизки, факат айнан Тан империяси битикларида Киргиз хоконлиги хақида маълумот учрайди. Уларнинг ўзаро муносабатлари қандай бўлган?

Бу Тан сулоласи билан Энасой киргизлари алоқаларига оид жуда кизик савол бўлди. Аммо айтиш пайтда тарихчилар кўлида мавжуд материаллар аниқ-тиник кўрсатишича, бу ривоятни киргизларни ўз томонига огдириб орлиш учун Тан империяси мафкурачилари ўйлаб топган. Айтилишича, тарихий йилномаларда Хан генерали Ли Лин хунлар кўлига тушиб қолганда, хунлар уни шимолга, гянгу юртига, яъни Энасой киргизлари олдида жўнатгани қайд этилган эмиш. Аммо ўзимизнинг даврга келиб ҳам, XX асрнинг 50-йилларида айрим сибирлик, хакас тарихчилари Минусинск хавзасида гўё Ли Лин қурган қадимги Хитой саройи қолдиқлар борлигини иддао қилиб чиқди. Кейинчалик россиялик шарқшунос – турколог Крюков Ли Лин сарой деб аталган бино Ли Лин ҳаётлиги вақтида эмас, анча сўнг қурилганини ва бу иддао ҳеч қандай асосга эга эмаслигини исботлаб берди. Тахминимча, Хитой мафкурачилари Энасой киргизлари ҳукмдорларини Тан сулоласи саройига яқинроқ боғлаш ва улар ишончли сиёсий иттифокчилар бўлиши учун мана шундай шажарани атай ўйлаб топган. Хатто Энасой киргизлари билан Тан империяси саройи ўртасида дипломатик муносабатлар бўлган ва Тан дипломатлари ҳам Саян тоғлари шимолига бориб турган даврдаги қора сочли ва кўнгир кўзли одам турлари бўлгани ҳам қайд этилган. Улар Енисей киргизлари нафакат малла соч ва мовий кўз, қолаверса, қора соч ва кўнгир кўз бўлганини ҳам кўрган. Кайд этишларича, ушбу турдаги кишилар Ли Лин авлодларидир. Аслида Энасой киргизлари ёпик маконда эмас, турли монголоид халқлар ва қабилалар қуршовида яшаган. Улар айтиш қабилалар ва Енисей киргизлари ўртасидаги ўзаро маданият таъсирида вужудга келган. Шунинг учун Энасой киргизлари ҳукмдорларини Тан ва Хан уйи билан боғлаб турган қариндошлик алоқалари деб аталувчи иддао реал тарихий асосга эга эмас ва Энасой киргизларини Тан сулоласи саройига боғлаб туриш учун ўйлаб топилгани аниқ.

758 йилда уйғурлар киргиз хонини ўлдиради ва улар Уйғур хоконлиги тасарруфига ўтди. Аммо Энасой киргизлари асосий вақтни исён қилиш билан ўтказади. 840 йили улар Мўғулистоннинг уйғурларнинг Ўрхун водийсидаги пойтахти Ўрду-Баликни талон-тарож қилиб, уйғурларни Мўғулистондан қувиб чиқишга муваффақ бўлади. Аммо Енисей киргизлари Мўғулистон ҳукмдорлари сифатида уйғурлар ўрнини эгаллаш ўрнига асрлар давомида ҳаёт тарзини бузмай, анъанавий ватанида яшашни давом эттиради. В. В. Бартолд тарихнинг бу даврини “киргиз буюқ давлатчилиги” деб атаган. Нега? Бу тарих киргизлар кимлигининг (идентитет) таянч нуктаси бўладими?

Раҳмат. Бу ҳам – жуда кизик савол. Албатта, Уйғур хоконлиги ўтмишдоши Иккинчи

Шаркий Туркий Хоконлик сингари Энасой киргизларининг Хитой бозорларига тўғридан-тўғри чиқишига йўл бермагани учун улар ўзини бундан бенаиб хис қилиб, доимо Уйгур хоконлиги ҳукмронлигига қарши исён ва қўзғолонлар кўтариб турган. Айниқса, Энасой киргизлари билан Уйгур хоконлиги ўртасидаги қарама-қаршилиқ 820 йилдан бошланади. Хитой манбалари гувоҳлик беришича, ўша пайтда Энасой киргизлари йўлбошчиси ўзини хокон деб эълон қилади ва Уйгур хоконлигига қарши ҳолдан тойдирувчи уруш йўлига ўтади. Табиийки, 820 йилдан 840 йилгача давом этган 20 йиллик уруш тинка-мадорни қуритувчи бўлиб, шимолда Уйгур хоконлигидан улкан одам ва ўрду ресурсларини талаб этган. Бу вақтда уйғурларга жанубда Хитойнинг Тан империяси, жануби-шарқда эса ўша пайтда қучайиб кетаётган Тибет давлатига қарши тезкор ўрдуга эга бўлиш зарур эди. Аммо аста-секин 840 йилга қелиб, Уйгур хоконлигидаги олдинги яғлақар (жалойир) уруги билан янгитдан қучайиб бораётган идизлар ўртасида ички сиёсий қураш етилиб келаётган эди. Мана шу ички сиёсий қураш Уйгур хоконлиги ҳавфсизлигига қаттиқ ҳавф тугдиради. Бу пайтга қелиб, хитойшунослар таърифига кўра, Мўғулистонда – ҳозирги Мўғулистон ҳудудида мавжуд бўлган Уйгур хоконлигида очарчилик юз бериб, қорва қирилиб кетади, буни турк тарихчиси Аҳмад Тошагул яхши кўрсатиб берган. Булар барчаси Уйгур давлати асосларини заифлаштириб қўяди. Тан империяси синчиларига кўра, Энасой киргизлари ўрдуси деярли 100 минг киши бўлган ва 840 йилда Ўрхун дарёси бўйида Уйгур давлатига қашатқич қарба берган ва уйғурлар ватанини ташлаб қочишга мажбур бўлган. Улар бир неча йўналиш бўйлаб қичиб кетган: бир қисми Манчжурияга – қиданлар олдиға қочган. Қиданлар олдин уйғурларнинг вассали – тобеси эди ва улар ўша ердан бошпана топишга мажбур бўлган. Уйғурларнинг 2 та гуруҳи жанубга, Тан империяси қегаралари томон, яна 2 та гуруҳи эса Шаркий Туркистон ва Ғарбий Хитой томон қочган. Ўша замонларда Бешбалик деб аталган Турфон томон қочган гуруҳлардан бири аста-секин қейинчалик Уйғур-Турфон давлати ёки Хитой манбаларида Гаучан давлати деб аталган ўз давлатини тиклашга муваффақ бўлади. Қирғизлар уйғурларни тор-мор этиб, тирқиратиб юборади, ҳозирги Мўғулистон ҳудудидан қувиб қикади.

Лекин улар уйғурлар ўрнини эгаллай олдимиз? Йўқ, эгаллай олмади. Олий ҳукмдор, Энасой қирғизлари ҳоконининг қароргоҳи Энасой дарёси бўйидан Саян тоғларининг жанубий тармоқларига қўчирилади, яъни улар қароргоҳни Ўрхун дарёси бўйида жойлашган уйғур ҳони қароргоҳига қўчирмайди. Қирғизлар шу билан замонавий Мўғулистон ҳудудидаги уйғурлар ўрнини эгаллашни истамайди. Қирғиз қўшинлари Тан империяси ва унинг борлов хизмати (разведкаси) сўзига қириб, турли йўналишларда уйғурларни таъқиб қилади. Улар 843 йилда Ғарбга қочган ва Шаркий Туркистонда муқим ўрнашиб қолишга ҳаракат қилган уйғур гуруҳларини таъқиб қилиб, Шаркий Туркистонга қелиб қолади. Тахминан 860 йилда Хитой ҳарбий борлов хизмати гапига қириб, қиданлар юртида бошпана топан уйғурларга қарши Манчжурияга юриш қилади ҳамда уйғурларнинг бир қисмини олдинги ватани Мўғулистонга қайтишга мажбур этади. Қолган уйғурлар қейинчалик мўғул қабилалари билан қўшилиб кетади, қайсидир гуруҳлар эса қирғиз қабилаларига қўшилади.

Энг қизиги шундаки, Бартолд тилға олган қирғиз буюқ давлатчилигини Энасой қирғизлари қачон босиб олгани маълум эмас эди. Буни қейинчалик XX асрнинг 70 – 80-йилларига қелиб, таникли совет археологи Дмитрий Глебович Савинов аниқлади. У



илмий асарларида кўрсатиб беришича, киргиз буюк давлатчилиги даврида киргизлар Байкал кўлининг жанубий киргогида яшаган. Бу – биринчидан. Иккинчидан, кўлнинг шаркидаги Тува ва Жанубий Саян тоғларида, кейинчалик эса Олтойда, Жануби-шаркий Козогистонда, Энасой ва Ангара дарёлари кўшилган жойда истикомат килган. Савинов таърифига кўра, бу Энасой киргизлари моддий маданиятининг 5 та маҳаллий вариантидир.

Археологлар буни жуда оддий усул билан аниклаган, чунки Энасой киргизлари Сибирда яшаган бошқа туркий-мўғул халқлардан фаркли ўларок, ўлганларнинг жасадини ёккан, яъни уларнинг кремация удуми бўлган. Мана шу кремация аломатлари Энасой маданияти таркалган 5 та ҳудуднинг барчасида учрайди. Уларнинг бари Мўғулистон шимолида, шимоли-шаркида, гарбида ва жануби-гарбида жойлашган бўлган, яъни Энасой киргизлари Мўғулистоннинг марказий ҳудудларини банд килмаган, чунки у ерлар чўл зонаси бўлган. Чўл зонасида Саян тоғлари, Саян-Олтой тоғликлари ва Минусинск хавзасига хос ўрмон, тоғлар ва бошқа унсурлар бўлмаган, яъни асрлар давомида тоғ ва ўрмонли ҳудудларда яшаб келган Энасой киргизлари Мўғулистоннинг чўл зонасида яшашга мослаша олмаган. Шунинг учун “буюк киргиз давлатчилиги” деб аталган нарсаси бўлмаган. Агар буюк давлатчилик бўлганда эди, киргизларнинг буюк давлатчилиги замонавий Мўғулистоннинг бутун ҳудудини қамраб олган, ҳар ҳолда Тан империяси билан чегарадош бўлган бўлар эди. Пойтахт, киргиз хони қароргоҳи олдинги империялар, Ўрхун дарёси бўйидаги чўл империялари янглиг, анъанага кўра жойлашган бўлур эди ҳамда нафакат Хитой уни де-факто (амалда) эмас, қолаверса, расман, де-юре (ҳуқуқан) тан олиши зарур эди. Бундай тан олиш мавжуд империя дашт империяси билан қардошлик алоқалари ҳақида шартнома тузишини, ўша империя, давлат ҳуқққдори ёки ҳоконнинг кизини, Хитой маликаларидан бирининг сийлик сифатида эрга берилишини назарда тутар эди. Сийлик амалда Хитойнинг Тан сулоласи дашт империясига жуда кўп, қамида 400 – 500 мингта шойи ўрами берилишини аңлатган. Мана шу жихатлар янги дашт империясининг мажбурий давлатчилик белгилари ёки юридик жихатдан тан олиниши бўлиши керак эди, аммо ундай бўлиб чиқмади. Хитойликлар Киргиз ҳоконлиги ҳарбий қучларидан факат уйғур ҳоконлигини йўқ қилиш ҳамда турли томонларга қочиб кетган уйғур гуруҳлари қолдиқларини шарқда, гарбда ва шимолда таъқиб қилиш учун фойдаланди. Тахминан 847 – 848 йилларда ушбу жараёнлар тугагандан сўннг Тан империяси давлат қенгаши ҳяғас, яъни киргизлар ҳонлиги Тан сулоласи империяси билан солиштирганда, қичик бир уй ва шу сабаб бу давлатни тан олиш мақсадга мувофиқ эмас, деган қарорга қелади. Киргиз ҳоконлигининг Уйғур ҳоконлигини йўқ қилишга қаратилган ҳарбий юришлари шу зайл барҳам топади.

Аммо киргизлар замонавий Мўғулистон ҳудудида яшаб қолмагани сабаби оддий – киргизлар асрлар давомида Саян тоғлари ортида жойлашган бутунлай бошқа экологик муҳит – тоғ ва ўрмон зонасида яшаб келган. Улар қўчманчи ҳўжалини баробарида дехқончилиқни билан ҳам шугулланган, бу ҳақда Минусинск хавзасидаги археологик артефактлар (инсон қўли билан ясалган буюмлар) қалолат беради ва битиклардаги маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Бирок Мўғулистон ҳудуди бундай фаолият учун муқлақ яроқсиз бўлган. Ёнғ асосийси, бу ҳудуд совуқ, шамол ёзғи жазирама қуёш нурларига бутунлай очикдир. Шу сабаб улар факат Мўғулистоннинг Байкал қўли жануби, Шимолий Мўғулистон, ҳозирги Тува ва Тува Республикасида жойлашган узок

жануби-шаркий худудларини, хозирги Мўғулистоннинг Киргизнор ёки монголча Хяргяснор деб аталувчи ва киргизча Каркара деб аталувчи Хархира деган шимоли-гарбий худудларини босиб олиш билан чекланади. Шундан кейин киргизлар жануби-гарбий йўналишда ҳам Козогистон жанубий-шаркидаги Каркаралли водийсига кириб боради. Мана шулар Киргиз давлати эгалик килган асосий худудлардир. Ушбу даврни шартли равишда буюк давлатчилик эмас, Киргиз хоконлиги даври деб аташ мумкин бўлади. Киргиз тарихчиларимизнинг аксарияти, киргизлар Мўғулистон худудини ўз ихтиёри билан ташлаб кетмаган, Кидан империяси ташкил топгандан сўнг киданлар уларни Мўғулистондан чикиб кетишга мажбур килган, деган карашга мойилдир. У 924 йилда Киданлар давлати, яъни Ляо сулоласи асосчиси Абаоцзи кўшинлари билан Мўғулистонга бостириб кирганда Манчжурия худудларидан Ўрхун дарёси худудига чикиб кетган монгол тилли кабилалар асос солган империя бўлган. Ўрхун дарёси бўйи хунлар империясидан бошлаб барча дашт империялари пойтахти бўлган. Ўша худуднинг эгаси йўк эди. Бу ҳақда “Ляо Ши”да аниқ-тиник ёзилган. Нега? Чунки Ўрхун дарёси бўйига Абаоцзи келиб, эгасиз худудни кўргач, уйгур идикути, яъни Уйгур давлатининг ёки Уйгур-Турфон хонлиги ва ёки тарихга оид адабиётларда қайд этилгандек, Гаочан давлатига қуйидаги мазмунда хат ёзади. У идикутга мана бу сўзлар билан мурожаат қилади: “Ерларингиз ва давлатингиз пойтахти бутунлай бўм-бўш. Биз келдик, аммо ҳеч кимни учратмадик. Агар кадрдон худудларингизга қайтмоқчи бўлсангиз, сизларни хақиқий худуд – Ватан кутиб турибди”. Нега у бу хатни ёзган? Чунки кудратли Уйгур хоконлиги ҳукм сурган замонда киданлар уларнинг вассали бўлган, бу ҳақда Хитой манбаларидаги маълумотлар далолат беради. Шунинг учун аниқ қилиб айтиш мумкинки, бундай муносабат у ёки бу тарзда сакланиб қолган. Ва Абаоцзи шундай хат билан мурожаат қилган. “Ляо Ши” битигида зикр этилган хатга Уйгур идикути, яъни Уйгур-Турфон хонининг жавоби бор: “Бизга анча олдин ташлаб кетган олдинги юртимизга қайтиш таклифини берганингиз учун мингдан-минг раҳмат. Бу у ердан қўчиб кетганимиздан бери орадан уч авлод ўтди. Менинг халким ҳозир ўзимиз эгаллаб турган янги иқлим шароити ва худудларга қўниқиб қолди. Шунинг учун олдинги ватанимизга қайтишни мақсадга мувофиқ эмас, деб биламиз. Сизлар ўша худудни ўз истагингиздан қилиб чиққан ҳолда тасарруф этаверинглар”. Бу жавоб хати киданлар Ляо Ши давлатининг сулола солномасида мавжуд – айни битикнинг инглиз тилига таржимасини Виттфогел (Карл Август Виттфогел – немис-америка хитойшуноси) АКШда 1947 йили эълон қилган эди. Бизнинг тарихчилар эса халигача киргизларни Мўғулистондан киданлар сиқиб чиқарган, деб ҳисоблаб юрибди. Ишончли манбадан олинган маълумотлар шаходат беришича, замонавий Мўғулистон худудида киданлар билан Энасой киргизлари ўртасида ҳеч қандай тўқнашув бўлмаган. Аммо анча кейин Кидан давлати, яъни Ляо империясининг таназзул босқичида можаролар бўлган, ўшанда киданларнинг бир қисми Ляо сулоласи тахти валиахдлари – шахзодалардан бўлган Келедаши бошчилигида гарбга қараб қочган эди. Бу Х асрда, яъни 924 йилда бўлмаган. Таассуфки, тарихчи, ажойиб тилшунос, академик В. В. Радловнинг қараши шу тарзда ҳато бўлган. Лекин унинг қараши тахмин бўлган, ҳолос. У пайтлар Ляо Ши қолдирган маълумотлар эълон қилинмаган. Энасой киргизлари Мўғулистон худудидан ўз ихтиёри билан чикиб кетгани тўлиқ аниқланган фактдир. Шунинг учун Уйгур хоконлиги барҳам топиб, киргизлар олдинги ерлари ва Мўғулистон ва Козогистоннинг янгитдан забт этилган тоғли ва ўрмон худудларига қайтиб кетгандан сўнг Мўғулистон худудига олдин Манчжурия ва Хинган тоғларида яшаган монгол тилли кабилалар қилиб жойлаша



бошлаган. Улар аста-секин ушбу худудни ўзлаштириб, Кидан давлати ёки Ляо сулоласи пайдо бўлиши учун асос яратади. Ляо сулоласини монгол тилли кабилалар барпо қилган. Агар Мўғулистон худудида Киргиз буюк давлати бўлганда, замонавий Мўғулистон Киргизистон деб аталган бўлур эди. Лекин бунақа бўлмади, чунки киргизлар Мўғулистоннинг жанубий ва марказий худудларини ўз ихтиёри билан тарқ этган.

Энасой киргизлари гурухларидан бири Марказий Осиё кенгликларига чиқкандан сўнг замонавий Иртишбўйи ва Олтой, айникса, Жанубий Олтой худудига ўрнашиб қолади. Улар ўша ерда тўққиз ўғизлар, карлуклар, кимаклар ва кипчоклар сингари кадимги маҳаллий туркий кабилалар қолдиқлари билан интеграциялашади. Мана шу жараёни тасдиқловчи батафсил маълумотлар – ёзма манбалар ва археология материаллари бор. Булар сирасига мен санаб ўтган барча худудларда фақат Энасой киргизларига ҳос бўлган ўлганларни оловда ёқиш аломатлари қиради. Зикр этилган худудларда жасадни оловда ёқиш маросими IX аср бошида пайдо бўлган ва X аср охирига бориб, йўқолиб кета бошлаган. Бу Энасой киргизлари кимаклар, кипчоклар ва карлуклар сингари маҳаллий кабилалар билан қўшилиб кетгани ҳамда жасадни оловда ёқишдай эски анъанасини унутиб, аста-секин дафн этиш анъанасини қабул қилганидан далолат беради. Шу тариқа Иртиш дарёси бўйи, Олтой ва Жануби-шарқий Козогистон худудида истикомат қилаётган келгинди Энасой киргизлари маданияти ўзгариб кетди.

Келгинди Энасой киргизлари ҳукмдор сифатида келгани учун туркий тилли кабилалар қолдиқлари, аввало, кимаклар, кипчоклар, карлуклар ва қайсидир маънода ўғизлар “киргиз” этнонимини қабул қилади. Киргизлар Олтой гурухининг Тянь-Шан тоғига қўчиши мўғуллар даврида, айнан XIII асрда, Чингизхон неваралари Хайду ва Арикбуга ўртасидаги ўзаро жанглар бошланган XIII аср охирида юз беради.

Мана шу уруш, узок давом этган уруш вақтида киргизларнинг Олтой гурухи Ёттисув ва Тянь-Шанда жойлашган Хайду давлатига эргашади, Арикбуга билан Хубилай Олтой, Энасой киргизларини Хитой, Мўғулистон ва ҳатто Манчжуриянинг турли худудларига ихрож (депортация) қила бошлайди. Юан сулоласи тарихи бўлмиш “Юан Ши”да аник-тиник айтилганидек, Энасой киргизлари, “Цзиншан (Олтой) киргизларининг 5 минг оиласи биринчи марта ўша ёққа қўчирилган эди”. Яна бир гурухи Мўғулистонга, бошқа гурухи эса ҳатто Манчжурияга қўчирилган.

Хайду давлатига эргашган Олтой киргизлари гурухи XIII асрда – XIV аср бошида Или дарёсининг ўнг қирғоғидаги – ҳозирги Козогистон билан ШУМТ туташувида жойлашган Сайранор қўли чеккасига қўчиб ўтади. Олдин у Сутқўл деб аталган. Бу ерда Темур қўшини Мўғулистонга юриш қилганида Булғачи улуси билан тўқнашган. Булғачи улуси замонавий киргиз халқининг Ичкилик гурухидир. Булғачи улуси Темур қўшинига қарши 20 минглик қўшинни жангга олиб чиқади. Темур қўшини Булғачи улуси ўрдусини енга олмай, Мўғулистон ҳукмдори билан тинчлик шартномаси тузиб, Самарқандга қайтишга мажбур бўлади. Ана шу Булғачи гурухи 1389 йили Темур қўшини Булғачи гурухи қўшини билан жанг қилган пайтдаги Олтой киргизларининг энг илгор гурухи бўлган. Яъниким, XIV аср охирига қелиб, Олтой киргизларининг бир қисми жунгарлар Олатовида яшаган. Бу Сутқўл деб аталган замонавий Сайранор қўли атрофидир. Мен “Сутқўл” номини Ф. И. фон Сталенберг тузган, кейинчалик эса Цин императори буйруғи билан тузилган

картография манбаларидан топдим. Уларни иезуит миссионерлари, яъни Хитойда яшаб турган Европа миссионерлари тузган экан. Ўша ерда ном Сайранор эмас, Суткўл деб аниқ ёзилган. Улар сўнгра замонавий киргиз халкининг асосини ташкил қилган. Киргиз халкининг этник тарихи якуни XVI аср охири – XVIII аср ўртасига тўғри келади. Ўша пайтда асосий киргиз қабилалари Мўғулистон давлати парчаланиб кетгандан сўнг Еттисувнинг бир қисмини, замонавий Тянь-Шанни, шунингдек, Тянь-Шаннинг жанубий тоғликларини эгаллаган эди. Киргизларнинг бир қисми ҳозирги кунда Хитой Халқ Республикаси ҳудудида истикомат қилади, чунки XIX асрда Чор Россияси билан Цин империяси ўртасида чегаралар демаркация ва делимитация қилинган вақтда киргизларнинг бир қисми Хитойда қолиб кетган, чунки чегаралар Тянь-Шан тоғлари чўккилари бўйлаб ўтказилган.

Умуман, совет даврида Киргиз хоконлиги даври қандай тавсифланган ҳамда ҳозирги пайтда тадқиқ қилинаётган ва янги кашфиётлар учун истиқболга эга “оқ доғлар” борми? Киргиз хоконлиги тарихи қандай ёзма, оғзаки ва археологик манбаларга таянади?

Киргиз хоконлигини тарихини рус олимлари инкилобга (1917 йил октябридаги давлат тўнтариши) қадар ҳам батафсил ўрганган. У совет даврида С. В. Киселёв, кейинчалик унинг шогирди Леонид Романович Кизласов асарларида батафсил ёки жуда яхши ўрганилган, сўнгра тадқиқотчиларнинг янги буржи – новосибирсклик олимлар – пайдо бўлди – улардан бири раҳматли Юрий Сергеевич Худяковдир. Менинг дўстим Викторий Яковлевич Бутанаев эса – ҳам археолог, ҳам этнограф, ҳам тилшунос. Улар бирга тайёрлаган илмий иш “Энасой киргизлари. Киргизлар тарихи” деб аталади ва ушбу асосий тадқиқотлардан бири 2000 йилда Абаканда чоп қилинган. Киргизистонда ҳам одамлар, айниқса, ёшлар шунга ҳаракат қиляпти. Аммо таассуфлар бўлсинки, улар Эдвард Пулибленк, Майкл Дромб, Томас Барфилд ва ҳк. хитойшуносларнинг Гарбда чоп қилинган замонавий илмий ишларидан беҳабар, шунинг учун унча аниқ бўлмаган ёки эскириб кетган ахборотга асосланиб иш кўрмоқда. Улар ўша илмий ишлардан данфойдаланиш у ёқда турсин, борлигидан ҳам беҳабар. Археология ишлари давом этмоқда. Киргиз хоконлиги бўйича энг таниқли археология иши совет ва россиялик археолог, шу кунларда ҳам ҳаёт Дмитрий Глебович Савиновнинг ажойиб монографиясида акс этган. Унинг монографияси “Южная Сибирь в древнетюркскую эпоху” (“Қадимги туркий даврдаги Жанубий Сибир” деб аталади. Унинг бундан бошқа эълон қилинган рисолалари ҳам кўп”. Олимнинг менинг раҳматли устозим Сергей Григорьевич Кляшторний билан бирга тайёрлаган “Туркий халқларнинг дашт империялари” деб аталувчи илмий иши бор. Ўша илмий ишда Киргиз хоконлиги тарихини Д. Г. Савинов тавсифлаб берган ва у – жуда кизикарли китоб. Археология соҳасида ҳам жуда кизикарли топиламалар бор. Яқинда мен козок археологи Зайнулла Самашевнинг кизик илмий иши билан танишиб чиқдим. У Каракаба кўргонларидан топилган материаллар таҳлилига бағишланади. Ўша кўргонлардан милодий VIII асрга, яъни Киргиз хоконлиги барпо этилмаган даврга тааллуқли материаллар топилди. Уларда номи тилга олинган кўргонлар этник кимлик рамзи, тоғлик кимаклар кўргонлари сифатида тавсифланади. Кизиги шундаки, шу кўргонларидан бирида у уч торли мусика асбобига дуч келади. Унинг конус – суйри шаклидаги расмлари ҳам бор. Бунинг маъноси шуки, Энасой киргизларининг хоконлик ташкил топшунга қадар торли мусикий асбоблари бўлмаган. Хитой манбаларида барабан, камишсурнай, най, ясси кўнгироклар тавсифи

бор, аммо торли асбоблар йўқ. Торли асбоблар, айнан 3 торли асбобни улар тоглик кимаклардан ўзлаштирган, IX аср ўрталаридан сўнг Энасой киргизлари билан бирга улар ҳаётига кириб келган. Зайнулла Самашев ушбу этносни тоглик кимаклар деб атайди. Демак, истикболдан умид килса бўлади.